Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1998 йил, 1 июль, Чоршанба. № 50 (144143)

БА ЎЗБЕКИСТОН ХУШ ОМАДЕД, БАРОДАРОНИ АЗИЗ!

АБАДИЙ ДЎСТЛИК ШОДИЁНАСИ

ЗО июнь куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси кунларининг тантанали очилиш маросими бўлди. Унда Ўзбекистон ва Тожикистон Президентлари иштирок этди.

Тантанали кечани Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов очди.

Ўзбекистон ва Тожикистон давлат мадҳиялари янгради.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сўзга чиқиб, Тожикистон кунлари ўзбекистонликлар учун орзиқиб кутилган тўй эканини алоҳида таъкидлади. Йўлбошчимиз айтиб ўтганидек, мустақиллигини қўлга киритиб, миллий давлатчилик қуриш йўлидан бораётган ўзбек ва тожик икки тилда гапирадиган бир халқдир. Улуғ аждодлар меросидан бир чашмадан сув ичгандек маънавий озуқа олиб, баробар фойдаланиш ҳаммамизнинг вазифамиздир. Буюк бобокалонларимиз васият этган қардошликни асло унутиб бўлмаслиги Ислом Каримов томонидан алоҳида қайд этилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстлик бугун биз учун ҳар қачонгидан зарур, деди Ўзбекистон Президенти. Имкониятдан фойдаланиб барча тожикистонлик дўстларимизга айтмоқчиман, тожик халқининг бошига тушган оғир синовлар, машаққатли кунлар бизнинг ёдимизда. Тожикистон диёрида мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурадиган кунлар келишига ишонамиз. Айтиш мумкинки, бундай кунлар яқин, биз уларнинг аниқ нишоналарини кўрмоқдамиз, деди Ислом Каримов.

- Мазкур тадбирнинг ўтказилиши халқларимиз ўзаро дўстликни янги асосда янада мустаҳкамлаш ниятида эканликларидан далолатдир, — деди ўз сўзида Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов. Яқинда биз мамлакатимизда ярашиш битими имзоланганлигининг бир йиллигини нишонладик. Юртимизда нафақат сиёсий, балки маданий ҳаёт ҳам жонланди. Ўзбекистонда ўтаётган бу байрам ҳам шунинг яна бир исботидир. Тожикистон раҳбари оғир кунларда биродарларига ёрдам қўлини чўзган ўзбек халқига, унинг йўлбошчиси Ислом Каримовга чуқур миннатдорлик изҳор этди. Тожик халқи ўзбек қардошларимиз кўрсатган бу мададни асло унутмайди, дея таъкидлади И.Раҳмонов.

Тантанали қисмдан сўнг икки давлат раҳбарлари Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси кунлари муносабати билан «Туркистон» саройида очилган фотосуратлар, китоблар, халқ амалий санъати асарлари кўргазмаси билан танишдилар.

Маросим ўзбекистонлик ва тожикистонлик санъат усталарининг катта концерти билан якунланди.

/ЎзА/

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КУНЛАРИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам Президент Имомали Раҳмонов Жаноби Олийлари!

Ҳурматли тожикистонлик меҳмонларимиз!

Азиз биродарлар!

Дўстони бародарони тожик!

Беҳуда нест ки Рўдакии бузруг гўфтааст:

Ҳеч шоди нест андар ин жаҳон,
Бартар аз дидори рўйи дўстон.

Яъни:

Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун,
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.

Бугун Ўзбекистонимизда катта тўй, катта тантана. Халқимиз кўпдан бери орзиқиб кутган байрам - қардош Тожикистон кунлари бошланмоқда.

Яратганнинг ўзи ўзбек билан тожикнинг лойини бир жойдан қорган. Минг-минг йиллардан буён халқларимиз ўзаро қондош ва ёндош бўлиб, қуда-анда тутиниб асрлар юкини бирга тортиб, келажагини бирга қуриб келмоқда. Биз бир дарёдан сув ичамиз, бир далада экин экамиз.

Бозоримиз ҳам, ҳатто мозоримиз ҳам бир. Исмимиздан ҳам, жисмимиздан ҳам ҳеч ким бизни бир-биримиздан ажрата олмайди. Ҳазрат Алишер Навоий бир тожикча ғазалида ёрни «чашмони туркинаву, мижгони тожикона», яъни «кўзлари туркона-ю киприклари тожикона» деб бежиз таърифламаган.

Боқи Раҳимзода: Э жўра, бигў: ту ўзбеки ё тожик? - деб лутф этганида мутлақо ҳақдир.

Қани, айтинглар-чи, шу байтни таржима қилишга эҳтиёж борми?!

Аввал бир анжуманда айтган эдим, бугун шу иборани яна такрор айтмоқ жоизким, ўзбек билан тожик - икки тилда гапирадиган бир халқ десак ҳеч қандай хато бўлмас. Бу ҳикмат айни бугун, яъни халқларимиз - ўзбеклар ва тожиклар - истиқлолга эришиб, ўз миллий давлатини қураётган бир пайтда ҳар қачонгидан ҳам кўра муҳим аҳамият касб этади.

Кўҳна тарихимизнинг қайси қатламини ўрганмайлик, халқларимиз яқинлигини тасдиқлайдиган бисёр далил-исботлар топамиз. Авваламбор, бу - икки халқ учун ягона муқаддас ислом динимиз, тарихимиз ва бетакрор маданиятимиздир. Бир заминда яшаган, бир булоқдан сув ичган, бизга буюк мерос қолдирган улуғ аждодларимиздир.

Ислом дини ва Шарқ фалсафасининг улуғ намоёндалари, буюк таргиботчилари, мутафаккирларимиз Имом ал-Бухорий, Баҳовуддин Нақшбандий ҳазратлари каби буюк алломалар қолдирган маънавий бойлик ва ўгитлар икки халқ учун ҳам баробар бебаҳо меросдир.

Дил ба ёру даст ба кор деган ҳикмат бугунги авлодларимиз, фарзандларимиз учун, ақли-идрок билан яшаш учун бебаҳо ва раҳнамо йўриқдир.

Аждодларимиз ҳамиша бирга давлат қурганлар, бирга касбу кор қилганлар, бошга тушган мусибатларни елкадош бўлиб енгганлар.

Биз улуғ аждодлар қолдирган меросни ўзаро талашмасдан, ундан маънавий озиқланиб, бир чашмадан сув ичгандек, ҳар икки халқ, икки миллат баробар баҳраманд бўлишини таъминлаш, ташкил этиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Азиз дўстлар!

Ота-боболардан қолган бир мақолда «Ўзбек билан тожикнинг қуйласа чолғуси бир, йиғласа қайғуси бир» деб бежиз айтилмаган.

Ҳақиқатан, бу икки халқ минг йиллар давомида Наврўзни бирга байрам қилди. Сирдарё, Амударё бўйларини биргалашиб обод водийларга айлантирди.

Босқинчиларга қарши -гоҳ Тўмарис, гоҳ Широқ, гоҳ Спитамен, гоҳ Темур Малик бўлиб биргаликда мардона зарба берди. Сўнгги бир ярим асрлик мустамлака зулмини ҳам бирга тортди. Ниҳоят, истиқлолга ҳам бирга эришди.

Тожик тилида «қўшни»ни «ҳамсоя» дейдилар. Кўп ўзбек шеваларида ҳам бу сўз бор. «Ҳамсоя»нинг маъноси шуки, бир-бирига туташ уйнинг сояси бир бўлади. Тожиклар - ўзбекнинг уйига туташ ҳамсоядир.

Севимли шоиримиз Абдулла Орипов ибораси билан айтганда:

Дўсту қардошдир азалдан
Ўзбегим тожик билан,
Фаҳм этиб боқсанг агарда,
Биз қўша сайёрамиз,
Бу Али сўзлар Зуҳалдан
Ўзбегим тожик билан.

«Ён қўшнинг - жон қўшнинг» деган мақолни халқларимиз дўстлигига нисбатан қўллайдиган бўлсак, чиндан ҳам, ҳоҳ Ўзбекистонда бўлсин, ҳоҳ Тожикистонда, биз ўзаро ана шундай девор-дармиён ҳамсоялар бўлиб яшаймиз.

Мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий билан Амир Низомиддин Алишер Навоийдек икки буюк зоти шарифнинг халқларимиз шону шарафи, маънавий-руҳий қудратини жаҳонга кўз-кўз қилган ижоди, улар ўртасидаги ажиб пиру муридлик, устозу шогирдлик муносабатлари биз учун абадул-абад яқинлигимизнинг гўзал рамзи бўлиб қолажак.

Устоди бузург Мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий ўзининг энг гўзал достонларидан бири - «Юсуф ва Зулайҳо»ни Амир Низомиддин Алишер Навоийга бағишлаган. «Лайли ва Мажнун» достонида устод Жомий устод Навоийга қандай таъриф берганини эслайлик:

Хоса ки ба боғи ошнои
Бор шохи вафо бувад Навои.
Яъне ки Навои лутф созад,
Дилҳои шикастагон навозад.
Коре навбад ба жои ин кор,
Ёрони жаҳон фидои ин ёр.

Бу сатрларни ҳар бир ўзбек таржимасиз ҳам яхши англайди. Бу сатрлар ҳар бир ўзбек юрагига, қалбига нафақат чуқур ва чўнг маъноси, балки бадиий ифодаси билан ҳам яқиндир.

Айтинглар, азиз биродарлар, дўстлик ва қардошликнинг бундан ортиқ таърифи ва тавсифи бўлиши мумкинми?

Биз - ўзбегу тожик - Жомий ва Навоий каби буюк бобокалонларимиз васият этиб қолдирган дўстлик ва қардошликни унутсак, бундай нодонлик, калтабинлик уларнинг руҳи покларига ҳиёнат эмасми?

Муҳтарам меҳмонларимиз!

Бизнинг маънавий, маърифий ва маданий алоқаларимиз шу қадар кучлики, бугун ўзбекнинг тўйу томошасини тожикча, тожикнинг тантанасини ўзбекча куй-қўшиқларсиз сира тасаввур қилиш мумкин эмас.

Ўзбек халқининг ажойиб санъаткорлари Ҳалима Носирова ёки Саодат Қобулованинг овозини тожиклар қандай севиб тингласалар, Ҳанифа Мавлонова ва Жўрабек Муродовнинг ажойиб қўшиқларини ўзбеклар ҳам шундай севиб тинглайдилар. Аслида ҳам бу каби ҳар икки халқнинг фарзанди, ҳар икки халқнинг санъаткорлари бўлмиш инсонлар оз эмас.

Халқларимизнинг дили-дилига нақадар яқинлигини умумий бойлигимиз бўлган шашмақом ҳам, ушшоқ, сегоҳ, чоргоҳ каби мумтоз куйларимиз ҳам кўрсатиб туради.

Икки улуғ тилнинг салоҳиятини омухта қилиб ҳар икки тилда асарлар яратишдек улуғ анъаналаримиз борки, уни Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Зебунисо бегим, Огаҳий ва Машраб янги юксакликларга кўтардилар. Айниқса, туркий улус фарзанди Мирзо Абдуқодир Бедил форс-тожик тилида шу қадар буюк асарлар яратдики, беназир шоиримиз Ғофур Ғулом унинг ижодини мусаффо чашмага ва офтоб нурига қиёслагани бежиз эмасдир:

Тонг отар чоғида жуда соғиниб,
Бедил ўқир эдим, чиқди офтоб.
Лойқа хаёлотлар чашмадай тинди,
Пок-покиза юрак бир қатра симоб.

Яқин тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, мустабидликнинг энг оғир йилларида ҳам ўзбек ва тожик халқларининг асл фарзандлари Аҳмад Дониш ва Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Қодирий ва Садриддин Айний, Абдулҳамид Чўлпон ва Абдурауф Фитрат дўсту ҳамкор бўлиб маърифат йўлида биргаликда кураш олиб борганлар.

Устод Садриддин Айний ҳам тожик, ҳам ўзбек тилида баробар ижод қилиб, ғоят мукаммал асарлар яратгани айниқса ибратлидир.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, маданиятларимиз, умуман халқларимиз ўртасида асрлар бўйи ўзаро ижодий мусобақа, бир-бирига устоз, бир-бирига шогирд бўлиш тамойили ҳукм сурган ва айни шу нарса икки халқ тараққиёти учун муҳим замин яратган, икки халқ бу омилдан баробар озиқланган.

Ҳудди шу нарса бизга келажак йўлимизни ҳам кўрсатади.

Икки халқ ўртасидаги яқин дўстона муносабатлар бугун бизга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ зарур. Халқларимизнинг туб манфаатлари ҳудди шу нарсани тақазо этади.

Шайх Саъдий Шерозий айтганидай:

Дўст он бошад ки гирад дасти дўст,
Дар парешон ҳолию дармондагии

Мустақилликнинг дастлабки етти йили Тожикистон учун осон кечмади. Бегуноҳ халқ, истибдод даври юки остида эзилгани етмагандек, худбинлик, тор манфаатпарастлик, ҳокимият учун кураш, беқарорлик ва чет таъсирлар гирдобига тушишларнинг жабрини кўп тортди.

Тожикистонда барқарор ва осойишта турмуш барпо этилишидан Ўзбекистон ҳаммадан ҳам кўра манфаатдордир. Ахир, халқимиз бекорга: «Қўшнинг тинч, сен тинч» демаган. Биз фақат ҳамкорлик асосида юртларимизнинг барқарорлигини, халқларимизнинг осойишта ҳаётини ташкил этишимиз мумкин. Буни ҳеч ким, ҳеч қачон унутмаслиги керак.

Биз тожик халқи бошига тушган мусибатларни ўз кулфатимиз деб биламиз, қўлимиздан келганича қардош мамлакат ҳаёти тезроқ изга тушиб кетишига бундан кейин ҳам кўмак, ёрдам беришда ўзимизни аямаймиз.

Тожикистонда тинчлик, биродарлик руҳи қарор топса ва миллий сулҳ ўрнатилса, бу - нафақат тожиклар ва ўзбекларнинг бахту-саодати, порлоқ келажаги учун, ўйлайманки, яқин ва узоқ қўшни халқлар учун ҳам кенг маънода хизмат қилажак.

Мен ишонаман: замонлар ўтар, йиллар ўтар - биз, икки халқ ўзаро ҳурмат ва иззатни сақлаб, албатта ўзгалар ҳавас қиладиган муносиб ҳаёт қурамиз. Бунга ҳеч кимда, ҳеч қандай шубҳа бўлмасин.

Устод Бадриддин Ҳилолий ўз авлодларига қолдирган ишонч бунга гувоҳдир:

Ба як дам оламиро зинда созем,
Ваз он паски то абад поянда созем

Яъни:

Бир лаҳза бўлса ҳам шундай олам
иморатини яратайлик,
Токи ул абад ул-абад ёдда яшаб қолсин.

Ўзбекистон унда яшовчи тожикларнинг асл ва қадимий Ватани бўлгани каби, Тожикистон ҳам унда истиқомат қилувчи ўзбекларнинг асл ва қадимий Ватанидир. Ўзбекистондаги тожиклар ҳамда Тожикистондаги ўзбекларнинг миллий-маданий равнақи келажагимиз учун муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда Тожикистон кунларининг ўтаётганини ҳам халқларимиз ўртасидаги дўстона ҳамкорлик самараси, абадий дўстлигимиз учун мустаҳкам замин деб биламан.

Дўстони тожики азиз!

Боз мегўям: ба қадамҳоятон ҳасанот, дўстони азиз!

Хуш омадед, бародарони тожикистони!

Ўзбекистон диёрига хуш келибсиз, азиз тожик биродарларимиз!

Ўзбек ва тожик дўстлиги ва ҳамкорлиги абадул-абад яшасин!

ЎЗ ЮРТИМИЗДА

Навоий вилоятининг Нурота шаҳрида иқтидорли болалар тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ташкил этилди. Лицей бевосита Ўзбекистон Бадиий Академияси тизими доирасида фаолият кўрсатади. Ўқув масканида мутахассисликка оид ўқув режаларини ишлаб чиқишда, ижодий таклифлар тайёрлашда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти илмий кенгаши тавсияларига амал қилинади. Айни вақтда ўқувчиларни янги билим даргоҳига қабул қилишга тайёргарлик ишлари ниҳоясига етмоқда.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 30 июндан бошлаб ҳисоб ўд божхона тўловлари учун хорижий валютанинг сўмга нибатан қийматини белгилади. 1 АҚШ доллари 93 сўм 46 тийин миқдорида баҳоланди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА

БИШКЕК. Қирғизистонда қишлоқ хўжалигининг даромадли соҳаларидан бири - узумчиликни қайта тиклаш ва тараққий эттиришга киришилди, деб хабар беради «КАБАР» ахборот агентлиги. Бу йўлдаги биринчи қадам Узумчилик ва виночилик саноати ассоциациясининг ташкил этилгани бўлди. Мазкур ассоциация ташкилотчилари - мамлакат қишлоқ хўжалик вазирлиги ҳамда «Қирғизалко» корпорациясидир.

Кейинги вақтларда мазкур соҳага ажратилган умумий ер майдонининг 6О фоизи қисқариб кетган эди. Шунинг учун ҳам мамлакатга вино маҳсулотлари асосан четдан келтирилмоқда. Ҳолбуки, бир пайтлар Қирғизистонда винонинг ўнлаб нави мавжуд эди.

* * *

АСТАНА. «КАЗААГ» ахборот агентлиги Қозоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Сергей Кулагиннинг маълумотларига асосланиб хабар қилишича, Қозоғистон 1998 йилда 3-4 миллион тонна донни экспорт қилади. Жорий йилда мамлакат хирмонига 9-1О миллион тонна ғалла тўкилиши кутилмоқда.

Қозоғистон ғалласининг харидорлари орасида Россия етакчи ўринда туради. Айни пайтда, мазкур мамлакатда Эрон, Покистон, Туркия, Хитой ва Яқин Шарқнинг қатор давлатларига ҳам ғалла экспорт қилиш имкониятлари ўрганилмоқда.

ДУНЁ: СЎНГГИ ХАБАРЛАР

ХОРИЖДА

К О Б У Л. Афғонистонда «Толибон» билан унга қарши курашаётган бирлашган кучлар ўртасида жанглар ҳамон давом этмоқда. Куни кеча Аҳмадшоҳ Масъуд қўшинлари ракеталар билан Кобул аэропортини ўққа тутди.

Жанглар асосан Капис вилоятининг Тағаб водийсида кечмоқда. Бирлашган кучлар қуролли гуруҳлари Кобулни электр энергияси билан таъминлаётган гидростанция ҳамда Покистон чегарасига элтадиган катта йўлни эгаллаш учун ҳужум уюштирди. Хабарда айтилишича, ҳар икки томон ҳам талафот кўрмоқда.

x x x

Н Ь Ю - Й О Р К. АҚШ конгрессининг Эронга ракета технологияси сотишда гумон қилинган компанияларга қарши иқтисодий жазо чораларини қўллаш ҳақидаги қонун лойиҳаси етарли асосга эга эмас, деди АҚШ президентининг миллий хавфсизлик бўйича ёрдамчиси Самюэл Бергер. Унинг таъкидлашича, Билл Клинтон айнан шу сабаб туфайли мазкур ҳужжатга вето қўйган.

x x x

М А Д Р И Д. Португалияда аборт қилиш ҳақидаги қонунга қарши референдум бўлиб ўтди. Хабарларга қараганда, унда қатнашган фуқароларнинг 5О,87 фоизи мазкур қонуннинг қабул қилинишига қарши чиққан. Бироқ, мазкур референдум натижалари инобатга олинмайдиган кўринади. Чунки, тадбирда сайлаш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг бор-йўғи 3О фоизи иштирок этган, холос.

Мамлакат конституцияси эса бундай референдумни инкор этади.

x x x

Т О К И О. Японияннинг муҳожирлик ишлари билан шуғулланувчи маҳкамаси Токио ва унинг атрофида ноқонуний равишда яшаётган хорижий фуқароларни ушлаш бўйича махсус тадбир ўтказди. Натижада 13ОО нафар хорижий фуқаро фош этилди. Улардан 253 нафари Таиланд, 242 нафари Филиппин, 167 нафари Хитой ва 1ОО дан ортиғи Жанубий Кореядан келиб қолган фуқаролар бўлиб чиқди. Тартиббузарлар турли йўллар билан виза муддатини узайтириб олган ёки умуман визасиз, яширин йўллар билан мамлакатга кириб ўрнашиб қолган. Маҳаллий ҳокимият вакилининг таъкидлашича, улар тез кунда ўз юртига қайтарилади.

"Туркистон", ЎзА ва хориж материалларидан.

Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси кунлари

МУВАФФАҚИЯТЛАРИНГИЗ ЛОЛ ҚОЛДИРДИ

Мамлакатимизда Тожикистон Республикаси кунлари бошланди. Унда Тожикистоннинг таниқли адиблари, санъаткорлари ва фан намоёндалари иштирок этмоқда. ЎзА мухбирлари уларнинг айримлари билан учрашиб, илк таассуротлари билан қизиқди.

Сайрам ИСАЕВА, Тожикистон халқ артисти:

- Ўзбеклар диёрига ҳар гал ташриф буюраётганимда қалбимни ўзгача бир ҳис қамраб олади. Икки мамлакат ўртасида дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга, ўзаро алоқаларимизни янги мазмун билан бойитишга хизмат қиладиган бу галги тадбир шу маънода нақадар катта аҳамиятга эга эканини дилдан ҳис этиб турибман. Тожикистондаги нотинчликлар ҳаммага аён. Айни шу дамда мамлакатингизда республикамиз кунларининг ўтказилиши тожикистонлик биродарларни нафақат иқтисодий, балки маданий, маънавий томондан ҳам қўллаб-қувватлаётганингиздан дарак беради.

Биз Ўзбекистонга келишга пухта тайёргарлик кўрдик. Мен меҳмонга эмас, ўз уйимга келаётгандек қувончдаман. Бу юрт мен учун қадрдон бўлиб қолган, санъат бўйича олий таълимни шу ерда олганман. Кинодаги биринчи образим ҳам «Ўзбекфильм»да яратилган. «Сурайё» фильмида ўзбек киносининг онахонларидан бири, халқ артисти Лутфихоним Саримсоқова билан ҳамкорлик қилиш насиб этган. Шуҳрат Аббосов, Комил Ёрматов, Али Ҳамроев, Латиф Файзиев, Элёр Эшмуҳамедов каби таниқли ўзбек режиссёрлари яратган кўплаб фильмларда турли ролларни ижро этдим. Айниқса, таниқли санъаткор Мэлс Абзалов режиссёрлигида ишлаш менга хузур бағишлайди. Ижодкорнинг «Майсаранинг иши» картинасидаги Майсара образи менга катта шуҳрат келтирди. Яқинда ана шу кинорежиссёр билан ишлаш яна насиб этди. Абдулла Қодирий асари асосида суратга олинган «Ўтган кунлар» фильмида Ўзбекойим сиймосини яратишни менга ишониб топширишди.

Тақдиримдан жуда мамнунман. Буни мен нафақат санъаткорлар, балки ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги ҳамкорлик, дўстлик рамзи деб ҳам биламан.

Жўрабек МУРОДОВ, Тожикистон халқ артисти

- Ўзбекистонни иккинчи ватанимдай кўраман. Чунки, 35 йиллик ижодий ҳаётим юртингиз билан чамбарчас боғланган, десам хато бўлмайди. Ўзбек санъатининг Комилжон Отаниёзов, Ҳалима Носирова, Тамарахоним каби дарғалари тожик санъатига ҳам катта ҳисса қўшган. Биз ҳам уларни ўзимизнинг устозимиз деб биламиз.

Хабарингиз бор, тожик халқи учун мустақилликнинг дастлабки йиллари жуда қийин кечди. Шу боис ҳам тожиклар тинчлик ва барқарорликнинг қадр-қимматини дил-дилдан ҳис этади. Беқарорлик шароитида илм-фан ҳам, маданият ҳам, иқтисодиёт ҳам ривожланмаслигини ўз кўзимиз билан кўрдик. Биз Ўзбекистондаги иқтисодий ва маънавий ўзгаришларни ўзимизда кечаётган ўзгаришлар билан таққослар эканмиз, тинчлик, барқарорлик нақадар қимматли неъмат эканига яна бир бор амин бўламиз. Шундай оғир кунларда Президент Ислом Каримовнинг Тожикистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида кўрсатаётган саъй-ҳаракатини халқимиз ҳеч қачон унутмайди.

Мен мустақиллигингизнинг дастлабки йилларида ҳам Тошкентда бўлган эдим. Тошкент ўша вақтда ҳам Марказий Осиёда энг йирик ва гўзал шаҳар эди. Бироқ, ўтган шу қисқа даврда барпо этилган санъат кошоналари, меҳмонхоналар, коммуникация тизимлари, истироҳат боғлари ва бошқа иншоотлар шаҳрингизни янада салобатли, янада мафтункор этибди. Бу ўзгаришлар давлатингиз иқтисодий юксалаётганидан далолатдир. Бу эса қўшни халқ сифатида бизни ҳам қувонтиради. Чунки, Ўзбекистон қанчалик иқтисодий муваффақиятларни қўлга киритса, бу ютуқ минтақамиздаги қўшни давлатларга, жумладан, Тожикистонга ҳам шунчалик ижобий таъсир этиши шубҳасиз. Ўзбекистонда бошланган Тожикистон кунлари икки халқ учун ҳақиқий маънода катта байрамдир.

Аслиддин НИЗОМОВ, санъатшунос:

- Мен умримнинг энг бахтли даврларини Ўзбекистон тупроғида ўтказганман. Дастлаб Тошкент консерваториясида ўқидим, кейин - аспирантура, докторантурада. Шу тарзда 15 йил Ўзбекистон тузини татидим - яшадим, ўқидим, ўргандим, дўстлар орттирдим. Шунинг учун мен бу юрт тупроғини муқаддас деб биламан.

Ўзбекистонга келмаганимга ҳам анча бўлди, лекин юртингизда бўлаётган ўзгаришлардан матбуот орқали доимо хабардор бўлиб тураман. Байрам баҳона бу ерда амалга оширилаётган улуғвор ишларни ўз кўзим билан кўриш насиб этди. Мамлакатингизда қисқа даврда ҳақиқатан ҳам кишини лол қолдирадиган ўзгаришлар содир бўлибди. Мамлакатингизда тайёрланган маҳсулотлар бугун Тожикистон бозорларини ҳам тўлдириб турибди. Кўчаларимизда Асака шаҳрида ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар тобора кўпаяётгани ҳам фикримнинг яққол далилидир.

Шу ўринда, пойтахтингиздаги қурилишларни алоҳида таъкидлашни истардим. Шаҳар таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Бир-биридан бежирим ва чиройли биноларни кўриб, бизнинг шаҳарларимизда ҳам шундай бинолар қурилишидан орзуманд бўлмоқдаман. Дам олиш масканлари одамлар билан гавжум эканини кўриб ҳавасим келди. Буларнинг барчасини мамлакатингиздаги тинчлик ва осойишталик самараси, Президент Ислом Каримов олиб бораётган оқилона сиёсатнинг меваси деб биламан. Юртингизда бошланган Тожикистон Республикаси кунлари икки халқ ўртасидаги дўстлик ва биродарлик алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қилишига ишончим комил.

/ЎзА/

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯШАЙМИЗ...

Раҳима ҚУЛЛИЕВА, Қизилтепа туман поликлиникаси шифокори:

-- Бундан роппа-роса йигирма беш йил муқаддам Қизилтепага келин бўлиб тушганман. Шу ўтган даврда ўзбек ва тожик халқларининг нақадар аралашиб, биродарлашиб кетганининг гувоҳи бўлдим. Илгарилари келин бўлиб борсаму уларнинг удумига тушунмасам, қанақа бўларкин, деб ўйлардим. Тўйдан кейин ўз-ўзимдан ҳайратланаман, бунча яхши, одатларимизда, тўю-маъракаларимизда деярли фарқ йўқ экан, дея суюнаман.

Ўзбек ва тожик халқларининг азалдан жондош-қондошлиги, қиз олиб қиз бериши, тўй-ҳашамлари ва миллий байрамларининг бир хиллиги мени қувонтиради. Шунча йилдан буён яшаб, ишлаб ўзбек халқи орасида юрган бўлсам, бирор марта бўлсин миллатим учун ўринсиз сўз эшитмадим., можаро устидан чиқмадим.

Тилагим ҳар қандай замонда, ҳар қандай шароитда бу икки халқнинг дўстлиги, биродарқондошлиги, куда-андачилиги давом этсин, ривож топсин ва тоабад бўлсин.

ГУЛЧЕҲРА, "Овози тожик" газетасининг ходими:

-- Мен ўзбекни соф кўнгиллилиги, содда ва ростгўйлиги учун севаман. Дунёда бирор халқ йўкки, бу қадар меҳнаткаш, бу қадар меҳмондўст бўлсин. Суюнаманки, ўзбекнинг биродарлари, азалий қондошлари кўп ва тожик шулар даврасида биринчилардан ҳисобланади. Бу икки халқнинг тарихи ҳам, урф одати ҳам, борингки, мақсад ва вазифаси ҳам бир бўлиб келган. Тинчлик, биродарлик уларнинг доимий шиори бўлиб қолган. Бу нафақат тарихий ёки минтақавий зарурият, балки иккала халқнинг ҳам бир-бирига меҳрибонлиги, оқибатлилигининг меваси ҳамдир. Илоҳи, бу боғлиқлик, чамбарчас муштараклик йўлига ҳеч ким хавф сололмасин.

"ЎҒЛИМ САНЪАТКОР БЎЛАДИ"

Кайфият

Ишчи халқи билан иш устида гаплашмоқчи бўлсанг, ўзингни бироз ноқулай ҳис этасан. Чунки улар учун ҳар дақиқа ғаниматъ, сен билан суҳбатлашаётгандек кўринса ҳам хаёли юмушидалигини сезасан. Тез-тез соатига қарайди. Ё ёнидаги шеригини чақириб нималарнидир тайинлайди. Уларни дам олиш пайтида безовта қилишга ҳам ботинмайсан киши. Чунки касбига яраша толиқиши бор, эртага куч йиғиши керак.

Музаффар билан эса ишу-ҳордиқдан бўлак жойда -- касалхонада мулоқотда бўлдик.

Даставвал суҳбатдошимиз ҳақида мухтасар маълумот. Музаффар Одилов Тошкентнинг Яланғоч маҳалласида туғилиб, ўсган. Алишер Навоий номли 207-ўрта мактабни тугатган. Отаси Мирҳайдар ака -- боғбон. Оналари оламдан ўтган. Музаффар тўрт ўғил, бир қиздан иборат опа-укалар ичида ўртанча фарзанд. 1992 йилдан буён "Доннон" ҳиссадорлик жамиятида ишчи бўлиб ишлайди.

-- Кунига неча соат ишлайсиз, Музаффар?

-- Ўн икки соат.

-- Раҳбарларингиз сизга: "Бу йил мактабни тугатаётган укалардан ўн-ўн беш нафарини бизга ишга олиб келинг" деб топшириқ беришса, ёшларни қандай аврардингиз?

-- Биз новвойлармиз. Демак, ишимиз савобли. Қолаверса новвойлик покизаликни талаб этувчи касб. Дон, ун, обу оташ ичидамиз, ҳаром-ҳариш аралашмайди. Бунинг устига новвойчилик кўп қадим ҳунар. Хуллас, ҳар жиҳатдан қараганда, бу корхонада ишлаш обрў келтиради. Тинч, хотиржам иш: хавотири, таҳликаси йўқ. Тахминан шу гапларни гапирсам керак.

-- Маошингиз қанақа?

-- Сифатли, мунтазам ишласак, рўзғорбоп ойлик оламиз.

-- Тенгқур касбдошларингизнинг кайфияти қандай?

-- Яхши. Одатда, ишчи-йигитлар майда гап бўлишмайди. Борига шукур қилиб, йўғига сабр тилаб яшайдиган йигитлар бари.

-- Некбинлик яхши фазилат, албатта. Касбни ўзингиз танладингизми?

-- Мен болалигимда санъатга қизиқардим, санъаткор бўламан, деб юрардим. Ойим раҳматли ҳам шуни хоҳлардилар. Маданият институтига ҳужжат тайёрладим ҳам. Аммо топширишга журъат қила олмадим, йиқиламан деб ўйладим. Умуман, одам мақсадига фақат орзу билан етиб бўлмас экан. Ёшлигидан астойдил тайёрланиши керак. Бекорчилик -- бизнинг оиламизга тўғри келмайди, шунинг учун нон комбинатига (ўша пайтда шундай деб аталарди) ишга кириб қўя қолдим. Насиба экан, қолиб кетдим.

-- Кейин санъатга қизиқмай қўйдингизми?

-- Йўқ. Ҳалиям жону дилим санъат. Келинингиз билан (Музаффарнинг хотини Сафурахон 336-болалар боғчасида ишлар экан) тез-тез театрларга, концертларга тушиб турамиз. Кўрган спектаклларимиз, киноларимиз ҳақида баҳслашамиз, мунозара юритамиз. Барибир онамнинг истаклари ерда қолмаса дейман. Фарзандимиз бўлса, бирортасини албатта, санъаткор қиламан.

-- Бугун кўпчилик ўз оиласи таъминотини яхшилаш учун қўшимча иш қидиради. Сиз бунга қандай қарайсиз?

-- Йигитга қирқ ҳунар оз деганлар. Фақат, йигит эмас, қизлар ҳам қанча кўп ҳунарли бўлса, яхши яшаш имкониятлари шунча кенгаяди. Бизнинг озгина боғимиз бор, узум етиштирамиз. Отам бошчилигида кўпинча боғчамизда меҳнат қиламиз. Қўшимча даромадимиз ҳам шундан.

-- Музаффар, яқинда операция бўлибсиз. Енгил дейишларига қарамай жарроҳлик муолажаси барибир тиғсиз бўлмайди. Операцияга кираётиб нималар ҳақида ўйладингиз?

-- Ўғирлик қилмаганман, худога шукур. Ишхонамдан ҳар куни хизмат ҳақимиз ҳисобида 2 буханка нон берилади, шунга қаноат қиламан. Виждоним тинч. Бировга туҳмат қилмаганман, қўлимдан келгунча, одамларга яхшилик қиламан. Шунинг учун ҳам у қадар қўрқмадим-у, фақат "Ҳали жуда ёшман, ҳаётдан ҳаққим кўп, отамга хизмат қилиб, фарзандлик бурчимни бажаришим керак, умид билан уйландим, фарзанд кўриб, авлодимнинг шажарасини давом эттиришим керак", деб ўзимга ўзим умр тиладим.

...Музаффар ушоқ жуссаликкина йигит. Лекин гапдонгина экан. Футболга қизиқади, маҳалланинг маъракаларида елиб-югуриб хизмат қилади. Бу одатлари гапларидан сезилиб турибди. У суҳбатимиз охирида "Агар мени ёзсангиз, бирга ишлайдиган ўртоқларим Рустам, Ҳайрулло, Фурқатларни ҳам қўшиб қўйинг, зўр йигитлар. Раҳбаримиз Насриддин ака, цех бошлиғимиз Аня опамниям қўшиб қўйинг. Бошлиққа кўп нарса боғлиқ. Нонимиз сифатли бўлиб харидоргир бўлса маошимиз ошаверади. Аня опа ўзбекчаниям билади, тўтидек муомала қилади бизга, димоғдор эмас", -- деб тайинлади.

... Музаффарда алоҳида бир фазилат,фавқулодда жасорат йўқ. У тинчгина ишлаб, ўзининг фуқаролик бурчини, йигитлик бурчини ўтаётган минглаб йигитларимиздан бири. Аммо унинг кайфияти ҳам кўпинча жамият об-ҳавосига таъсир қилади.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА

ЯПОНИЯДА БИР ОЙ

Истиқлол шарофати

Аъзамжоннинг болаликдаги орзуси журналист бўлиш эди. Шу мақсадда у 1-ўрта мактабни тамомлагач, Тошкент давлат университетининг журналистика факультетига ҳужжат топширди. Аммо, имтиҳон бошланишига 2 кун қолганда қандайдир ҳаяжон ва ҳавотир ортга қайтарди. Сўнгра Фарғона давлат университетининг чет эл филологияси куллиётига ҳужжатларини топширди. Омад кулиб боқиб, шу йилнинг ўзидаёқ у талаба бўлди. Мактабда немис тилидан сабоқ олган бўлишига қарамай, олий ўқув юртида инглиз тилини тезда ўзлаштириб олди. Шунингдек, араб, форс тилларини ҳам ўрганди.

1991 йили институтни тамомлаб тумандаги 50-гимназия лицейида ўқувчиларга инглиз тилидан дарс бера бошлади. Ҳар нарсага қизиқувчан, ташкилотчи йигит ўз ўқувчиларига ҳам бу фанга нисбатан меҳр уйғотди.

Ўтган йили эса Аъзамжон Японияда ўтказилган Халқаро Ёшлар анжуманида қатнашиш шарафига муяссар бўлди.

Сирасини айтганда республикадаги 208 нафар ёшлардан 8 нафар вакил Япония сафарига лойиқ деб топилди. Улар орасида Аъзамжон ҳам бор эди.

-- Бир ой давомида японлар орасида яшадик. Улар жуда маданиятли, табиати юмшоқ, меҳмондўст халқ экан, -- минатдорчилигини яширолмайди Аъзамжон. -- Қайси жойга бормайлик ораста, тоза. Бива кўли музейига кириб, худди қадимги замонларга қайтгандай ҳис этдик ўзимизни. Тўрт қаватли бу бино ойна билан ўралган. Тепамизда, ёнгинамизда турли балиқлар, сув жонзотлари бемалол сузиб юраверади. Худди биз кўл ичида сайр қилиб юргандай бўлдик. Японлар ўз она тарихларини, ўтмишларини жуда эъзозлар эканлар. Буни ҳар бир музейга кирганимизда яққол ҳис этдик.

-- 30 кун туриб кўчаларда ёки телевидение орқали бирор бир жиноят содир бўлганлигининг гувоҳи бўлмадик. Умуман, полиция зотини музейда кўрдик, холос, -- таъкидлайди у. -- Шунингдек, эрта-юкеч уларнинг тилидан раҳмат тушмайди. Японларнинг муомала маданияти ҳам жуда юксак экан.

Ёш вакиллар кунчиқар мамлакатнинг диққатга сазовор тарихий обида ва гўзал шаҳарларини кўриш билан бирга турли миллат ёшлари билан мулоқотда ҳам бўлишди. Улар ҳаётига оид қизиқарли маълумотларга эга бўлишди, дўстлар орттирдилар.

Аъзамжон ҳам бу бахтга ўз она тили билан бирга ўзга тилларни билганлиги, ўз устида тинмай изланганлиги туфайли эришди.

Валияхон САИДОВА

АСКАРЛАРГА ПАТИР

Ҳарбийча тадбиркорлик. Бунақасини ҳали эшитмагандирсиз. Бийдек даштда, саксовуллар орасида қурилган тандир. Ундан узилган нонинг ёқимли иси. Ишбилармон тадбиркорлар аскарларни ҳар куни бўлка эмас, патир нон билан сийлашмоқда. Ҳа, ишонаверинг.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ички қўшинларга қарашли Т.Ҳайитов сардорлик қилаётган ҳарбий бўлинмада хизмат сафарида бўлганимизда дастурхонга қайноқ патир қўйишди. Бу ерга тандир ўрнатиб, аскарларга патир нон беришаётганига бир йилдан ошибди. Катта новвой деб ўзини таништирган Камолиддин Раҳимов Наманган тумани, Шўрқўрғон қишлоғидан хизматга келган, ҳарбийда ҳам новвойлик қиламан деб ўйламаган экан. Косонсойлик ёрдамчи новвой Наим Ҳусановнинг хизматга чақирилганига ҳам ярим йил бўлибди.

-- Новвойлик менга ота мерос,- деди у. — Хизматга келган кунимиз командиримиз новвойчилик касби бор йигитларни суриштириб қолди. Бу иш қўлимдан келишини айтганимдан кейин патир цехга хизматга қўйишди.

Новвой аскарлар билан суҳбатлашар эканмиз, улар хизматидан, армияга қадар касб ўрганганликларидан мамнун эканликларининг гувоҳи бўлдик. Тандирдан узаётган нонлари мазали ва тўйимли эди.

Патир нон цехидан чиқиб, сардор Т.Ҳайитовнинг суҳбатини олдик.

-- Ҳисоб-китобимиз шуни кўрсатдики, меҳнат, йўл ҳаражатлари туфайли бир йиллик сарф чиқимларимизни солиштирганимизда новвойхонани ишга тушириб 300 минг сўм тежаб қолибмиз. Буни ҳарбийча қилиб, кичик тадбиркорлик десак ҳам бўлаверади. Патир чиқарганимиз билан аскарларга бир кунга белгиланган меъёрий миқдорни асло камайтирганимиз йўқ. Энг муҳими, нонинг ушоғини ҳам увол қилмаяпмиз.

А.ЭРГАШЕВ, тиббий хизмат офицери

Жафо етказсанг, жазо топасан

"КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ..."

ЁКИ ЖИНОЯТЧИ ЎҚУВЧИ ВА ЎҚИТУВЧИЛАР ХУСУСИДА

Ҳа, халқимизнинг "Кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни" деган мақоли бор. Бу мақолни ҳар ким ҳар хил талқин қилади. Бировлар "уни жуссамиз кичик бўлса ҳам куч-қудратимиз бисёр" деган маънода тушунади. Яна бошқалар "ёш бўлсак ҳам ақл-у, фаросатимиз юқори" демоқчи бўлади. Лекин эндигина 16-17 ёшга тўлган пойтахтлик Тимур Абдураҳмонов ва Жўрабек Пўлатовлар бу мақолни ўзларича "идрок" этиб, "ҳали оғзимиздан она сутининг ҳиди кетмаган бўлса ҳам, безориликда анча-мунчани кўриб қўйган ёши улуғ жиноятчиларни ҳам доғда қолдирамиз" деб талқин қилишади. Сабаби улар чиндан ҳам шунақа безорилардан-да!

Ўша куни икковлари 91-мактаб ҳудудида пайдо бўлишдию ўқувчи Азиза Амилованинг 50 сўм пулини олишди. Тўғри, уни икки кундан кейин қайтариб беришди. Бироқ орадан кўп ўтмай Жўрабек яна шу мактабга келиб, ўша қиздан 200 сўм пул талаб қилди. Бироқ уни қайтаришни хаёлига ҳам келтирмади. Лекин 257-мактаб ўқувчилари С. Дедушев ва И. Тараҳновларнинг "маҳорат"лари олдида Жўрабекнинг бу қилмишини айтишга тил бормайди. Хўш, нима қилган экан у тирранчалар, дейсизми?

Юнусобод туманининг, 19-мавзеси, 22-ва 27-уйларида яшовчи бу "азамат"лар О. Тарановнинг уйига тап тортмай кириб бориб, унинг 2000 сўм пули, 18000 Россия рубли ва 1800 АҚШ долларини олиб чиқиб кетишган. Худди шу тумандаги 4-касб-ҳунар мактаби ўқувчилари, О. Абдужаталов ва Д. Кандишевлар эса ўзга мактабларнинг мулкини ўмаришга "устаси фаранг" эканлар. Улар 259-мактабнинг меҳнат хонаси эшигини бузиб, иккита "Чайка", ва битта "Подольск" русумли тикув машинасини ўмаришди.

Шу мактаб ўқувчиси Т. Гараев эса 9-мавзедаги 6-уй ёнида турган "Нексия" автомашинасининг иккита ғилдираги "қалпоқ"ларини ечиб қочди.

Мирзо Улуғбек туманидаги 99-мактаб ўқувчилари З. Муҳитдинов ва Н. Йўлдошевлар Италия элчихонаси ёнида турган ВАЗ 21213 А машинасидан уч қути "Бовария" пивосини ўғирлаб, ғойиб бўлишган. 43-мактаб ўқувчиси А. Гур билан 125-мактаб ўқувчиси И. Ишматовлар эса Ҳ. Олимжон майдонидаги 16-уй ёнида тўхтаб турган "Мерседес Бенс" машинасидан тўртта автомобил ғилдирагини ўғирлашган.

17-ҳунар-техника билим юрти талабалари А. Починский ва М. Мусаевларнинг кўрсатган "каромат"лари ҳаммасидан ошиб тушди. Улар Чинобод кўчасидаги 33-уйнинг шундоқ ёнгинасида турган М-2141 маркали автомашина кузовидан 8 та тикув машинаси, 4 куб. метр ёғоч ва 10 та ёритгични ўмариб кетишди.

Яккасарой туманидаги айрим мактабларнинг ўқувчилари ҳам жиноятчилик пойгасида бўш келмайдиганлардан чиқиб қолишди. 7-ҳунар-техника билим юрти талабалари О. Флюхин билан И. Ревековлар В. Кожухов деган кимсага нисбатан ҳақиқий безорилик қандай бўлишини амалда кўрсатиб қўйишди. 25-мактаб ўқувчиси Ю. Шахматов Г. Камолова деган кап-катта аёлнинг ишончини қозониб, унинг "Бобур" кўчасидаги уйидан нақ 5000 сўм пулини "супуриб" чиқди. 188-мактаб ўқувчиси Р. Оқилов эса бунақа иш учун бировлар уйига кириб ўтиришни лозим кўрмай Р. Убайдуллаевнинг бошидаги сувсар телпагини олиб қочди.

Сирғали туманидаги 237-мактаб ўқувчиси В. Колдорасовнинг қилмишлари ҳаммасидан ошиб тушди. У зўравонликда ном чиқармоқчи бўлди шекилли, М. Ҳайдаров кўчасидаги 2-уйнинг 2-хонадонида яшовчи И. Слугинанинг уйига бостириб кириб, хонадон соҳибини қўрқитиб, 5000 сўм пулини олиб кетишга муваффақ бўла туриб бу соҳада "ўрнак" кўрсатаётганларига нима дейсиз?! Наҳотки, деб ишонмаяпсизми? Ишонаверинг, бу бор гап.

Мисол учун Шайҳонтоҳур туманидаги 299-мактаб ўқитувчиси Г. Азимжонов "Исломобод" кафеси ёнида фуқаро У. Восиқов билан жанжаллашиб, унга пичоқ уриб, тан жароҳати етказган. С. Раҳимов туманидаги 116-мактаб ўқитувчиси А. Умаров Себзор мавзесидаги ўзи яшайдиган 35-уй ёнида қўшниси Х. Азимхўжаевни уриб, уни жароҳатлаган. Бироқ бу ўқитувчиларнинг қилмишларидан ҳам Бектемир туманидаги 289-мактаб ўқитувчиси ўзи муаллимлик қилаётган шу билим маскани ўқувчиси С. нинг номусига тегиб, тарбиячи деган муқаддас номга доғ тушургани аянчлидир.

Тўғри, биз юқорида жирканч қилмишларини баён этган ўқувчи ва ўқитувчилар пойтахтимизда саноқли. Уларнинг кирдикорларига қараб мактабларнинг кўп сонли педагогик жамоалари устидан ҳукм чиқариш адолатсизлик бўлади. Аммо таълим ва тарбия ўчоғи -- мактабларимиз шаъни ҳамиша пок бўлиши тарафдоримиз. Бирорта ҳам ўқувчи ёки ўқитувчи ўз шаънига номуносиб ҳатти-ҳаракат қилмасин. Фарзандлар тарбиясига лоқайд қараётган ота-оналарга бу хусусдаги уларнинг конституцион бурчлари эслатиб қўйилсин. Бунинг учун эса шаҳар халқ таълими бошқармаси, қолаверса ҳар бир педагогик жамоа ота-оналар, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда жон куйдириши, таълим ва тарбия ишларини шу кун талаблари даражасида ташкил этиши, ўқувчи ва ўқитувчилар маънавият оламининг юксак даражада бўлишига эришиши лозим.

Бахтиёр ЗУҲУРОВ, Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасининг жиноятчиликни олдиқ олиш бошқармаси катта инспектори. Мурод КАЛОНХОН, журналист

Ислом ва ёшлар

ТАҲДИД

ЁҲУД БАРҚАРОРЛИГИМИЗГА НИМА ХАВФ СОЛАЁТИР?

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори БАҲРОМОВ

Бисмиллахир роҳманир раҳийм!

Ислом дини асрлар давомида халқимизнинг муқаддас эътиқоди, маънавий ҳаётининг дастуруламали бўлиб келган. Бутун кўҳна тарих давомида диний тарбия дейилганда, асосан ибодатни тушунилган. Бунга ибодат орқали эришишга ҳаракат қилинган. Диний тасаввурлар, диний билимлар воситасида ҳар бир одам ўзининг руҳини, яъни руҳий ҳолатини, бошқача қилиб айтадиган бўлсак, маънавий дунёсини, маънавиятини тарбиялашга, уни шакллантиришга интилган.

Демак, дин тарбиявий жараённинг мураккаб ва муҳим йўналишларидан бирини ташкил этади. Шунинг учун ҳам дин маънавиятни шакллантирувчи омиллардан бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда улкан маънавиятимизни ташкил этувчи масалалардан бири Ислом назарияси ва тарихи, Ислом фалсафаси ва ҳуқуқшунослиги, Ислом маданияти ва ахлоқи билан боғлиқ илмий муаммоларни атрофлича ва чуқур тадқиқ этишдан иборатдир. Ислом дини асрлар давомида жамият аъзоларини юксак инсоний фазилатлар эгаси қилиб тарбиялашни, инсонпарварлик, халқпарварлик, адолат, ҳалоллик, бошқа миллатлар, динларга эҳтиром, олижаноб ахлоқни тарғиб этишини яхши англаб етмоқ, Ислом тарихидан хабардор бўлиб, ватандош уламоларимизнинг Ислом тараққиётига қўшган ҳиссасини билмоқ, ҳар қайсимиз учун жуда муҳимдир.

Маълумки, инсон кундалик ҳаётида моддий қаноат топиши билан чегараланиб қолмасдан, ўзи ҳали сабабини англаб етмаган ҳолда олий бир юксакликка интилган. Унинг бу интилишлари маданият ва маънавиятининг шаклланишига, маданий ҳаётнинг пайдо бўлишига олиб келган.

Аллоҳ таоло инсонни азизу мукаррам этиб яратганлиги ҳақида Қуръони каримнинг "Ал-Исро" сураси 70-оятида шундай баён қилади:

"Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини азиз-мукаррам ва уларни қуруқлик ва денгизда (от-улов ва кемаларда) юрадиган қилиб қўйдик ҳамда ҳалол-пок нарсалардан ризқу-рўз бердик ва уларни Ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал-устун қилиб қўйдик".

Демак, инсон -- бу дунёнинг азизу мукаррам хилқати, мавжудотлар ичра сарваридир.

Ислом фалсафасига кўра, маънавият деганда, биз биринчи галда, инсоннинг илмий дунёқараши, билимлари йиғиндиси, уни ўраб турган ҳаёт жараёни ҳақидаги маълумотлардан ташкил топган ички дунёвий ҳолатини тушунамиз.

Шундай экан, бугунги кунда маънавиятимиз замирида ётган нарса фақат дин омили эмас эканлиги ўзўзидан аниқ ва равшандир. XXI аср бўсағасида яшаётган ҳар бир инсон маълумотлар "гирдоби" маркази ҳисобланади. Шу боис маънавиятимизга таъсир этувчи жиҳатлар шунчалик кўпки, уларни санаб саноғига ета олмаймиз. Мана шулар жумласига маданий ҳаётимизни ташкил этувчи жиҳатлар, яъни илм-фан, адабиёт, санъат, мусиқа, шеърият, тасвирий санъат кабилар киради. Буларнинг қай бири ҳақида фикр юритмайлик, барчаси ички дунёмизга таъсир этади, қалбимизда из қолдиради, маълум ҳиссиётларни уйғотади, эзгуликка чорлайди. Маънавиятимизнинг қай даражада бўлишида бизни ўраб турган атрофмуҳит, ижтимоий муносабатлар, моддий ҳаёт катта аҳмият касб этади.

Демак, маънавият юқори бўлиши учун биз ишни фақатгина маълум йўналишда олиб бориб, бошқа жабҳаларни четга суриб қўйишимиз мумкин эмас. Маънавиятимизни юксалтиришда биз динга мурожаат қилиб, фақат диний эътиқод, диний билимларни бирдан-бир омилга айлантириб, бошқа омиллардан юз ўгирсак ёки уларни сунъий равишда эътироф этмасликка интилсак, унда бизнинг маънавий қиёфамиз кўпқирралик эмас, бир тарафлама бўлиб қолиши аниқ. Бу эса маънавий чекланишга, таассубга олиб боради. Демак, дунёвий давлатда биз барча омилларнинг ютуқларидан фойдаланишга интилмоғимиз мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий-маънавий муҳит қанчалик соғлом, қанчалик юксак бўлса, ижтимоий ва ахлоқий қиёфамиз ҳам шунчалик юқори бўлади.

Афсуски, кейинги пайтларда ижтимоий-маънавий ҳаётимизга раҳна солувчи, жамиятда носоғлом вазиятни вужудга келтирувчи, муқаддас динимизга ёт бўлган оқимлар пайдо бўлиб қолди.

Жамият тараққиётига тўсқинлик қилувчи, дин ниқоби остида ўзининг ғаразли мақсадларига етишиш воситаси, мутаассиблик, яъни фанатизм йўлидан борувчи турли бузғунчи оқимлар -- Ислом фундаментализми, экстремизми, ваҳҳобийлик ва бошқа миссионерлик кўринишлари шулар жумласидандир.

Шу кунларда "ақидапарастлик" деган сўз тез-тез тилга олиняпти. У ҳақидаги турли фикр-мулоҳазалар, талқинларнинг гувоҳи бўляпмиз. Мустақил йўлдан борувчи ҳар бир давлатнинг ўзига яраша қийинчиликлари бўлади. Айни пайтда чеккада туриб йўл кўрсатиш истагида юрганлар ҳам оз эмас. Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишнинг самарали йўналишларини кўрсатишдан ожиз бўлган ҳолда, бу муаммоларнинг осонгина ечими сифатида динлар вужудга келган замонлардаги жамиятда мавжуд бўлган дастлабки шарт-шароитларга қайтишни таклиф этувчи диний-сиёсий оқимлар, яъни фундаменталистларча қайфиятда юрганлар ҳам бор. Ана шундай оқимга ваҳҳобийлар ҳам киради.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг дин аҳлига катта эркинликлар берилди. Ана шу эркинликлардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланиш учун, ҳар хил бузғунчи оқимлар қаторида, ваҳҳобийлик ҳам юртимизга кириб кела бошлади. Улар ўзларининг ғаразли мақсадларини рўёбга чиқариш учун турли йўллар билан соддадил халқимизга ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилдилар.

Натижада диёримизда миссионерлик ҳаракати авж олиб, халқимиз орасида, хусусан, мусулмонлар ўртасида низолар келиб чиқиш хавфи пайдо бўлди.

Сўнгги пайтларда диёримизда дин ниқоби остидаги экстремистлар, ваҳҳобийлик кўринишдаги ақидапарастлар халқни қўрқувга солиб, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик уйғотиш учун турли жиноятлар ва террористик ҳаракатлар содир этиш йўли билан эл тинчлигини бузишга уриндилар. Бунга Наманган воқеалари яққол мисол бўла олади.

Ваҳҳобийлик оқимининг ғаразли ҳаракатларини бу йилги ҳаж мавсуми даврида, ўша муқаддас жойларда ҳам гувоҳи бўлдик. Яъни, ватангадо, юртимиздан қочиб, ҳозирда хориждан бошпана топган баъзи бир ғаламислар -- ваҳҳобийлик оқимининг намояндалари Мустақил мамлакатимиз ва унинг раҳбарияти шаънига нолойиқ, иғво сўзларни айтиб, ҳаттоки муқаддас зиёратгоҳдаги турли тошларга ана шундай сўзларни ёзиб қолдирганликларини ҳам кўрдик. Бундай ишлар бизни жуда дарғазаб қилди ва уларга нисбатан нафратимизни янада оширди.

Аллоҳ таолонинг каломи мажиди -- Қуръони каримда одамлар орасида иғво, фитна-фасод ва ғаламислик уруғини сочиш қатъий қораланиб, шундай дейилган:

"Фитна ўлимдан ҳам ёмонроқдир"

("Бақара" сураси, 191-оят).

Шунинг учун Ислом фундаментализми, экстремизми, ваҳҳобийлик кўринишидаги турли ақидапарастларнинг олға қараб қилаётган ҳаракатимизга тўсиқ бўлиш йўлидаги ҳар қандай уринишларига қарши кескин ва муросасиз кураш олиб бориш муҳим вазифамиздир.

Яқинда ўз ишини якунлаган биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида ҳам бу ҳақда гапирилди. Ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов жаноблари бу масалага алоҳида тўхталиб ўтдилар. Шу ўринда муҳтарам Йўлбошчимизнинг қуйидаги сўзларини яна бир марта эслаб ўтиш жоиздир:

"...ким ҳақиқий мусулмон, ким чала мусулмон, ким кофир бўлганини Аллоҳ таологина билади. Ким, алҳамдулиллоҳ, мусулмонман деса ва муқаддас Қуръони каримда, ҳадисларда кўрсатилган талабларни бажо этса, бизнинг динимиз бўйича Худога итоат қилган, илтижо қилган бўлади ва у ўзини мусулмонман дейишга ҳақлидир".

Бу борада ақоид китобларида ҳам айтиб ўтилган:

"Бир мусулмон киши иккинчи бир мусулмонни "Сен кофирсан" деса, мусулмон кишини ҳақоратлагани учун унинг ўзи кофир бўлиб қолиши мумкин".

Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадисларидан бирида шундай дейилган: "Ғазот пайтида ҳазрат Усомага қилич уриб, лекин унга зарар етказа олмай қочган мушрикни ҳазрат Усома ортидан қувиб етадилар. Қўрқувдан саросимага тушган мушрик қўлидаги қиличини ташлаб "Ла илаҳа иллаллоҳ" калимасини айтади. Шунга қарамай Усома мушрикни қатл этадилар. Бу воқеа Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга етиб бораги. Он ҳазрат Усомани чақириб, унга шундай дейдилар:

-- **"Ла илаҳа иллаллоҳ" дегандан кейин ҳам ўлдирдингми?**

-- Ё Расулуллоҳ, у одам менинг қиличимдан қўрқиб "Ла илаҳа иллаллоҳ"ни айтди,- деди ҳазрат Усома.

Шунда Пайғамбаримиз: "Сен уни қалбини ёриб кўрдингми? Мени Аллоҳ таоло одамларни зоҳирига юборган, уларнинг ичларини Аллоҳнинг ўзи билади", дедилар".

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида янги таҳрирдаги "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Бу Қонуннинг янгидан қабул қилиниши, ҳозирги замон талаби, ҳаёт тақозоси бўлиб, биринчи навбатда, ҳақиқий диний эътиқод эркинлигини ҳимояси учун фойдалидир.

Шу кунгача амалда бўлган "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонун 1991 йилда, яъни Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан бир ярим йил олдин қабул қилинган эди. Шунинг учун ҳам бу Қонун ҳозирги давр талабига жавоб бермай қолди.

Буюк келажагимиз учун, фарзандларимизнинг соғлом эътиқоди учун катта аҳмиятга эга бўлган, демократиянинг муҳим шарти бўлмиш виждон эркинлигига оид Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши диёримиз мусулмонлари ҳаётида улкан воқеа бўлди. Иншоаллоҳ, бу дастуруламал Ватанимиз тараққиёти, динимиз равнақига катта хизмат қилади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, сўнгги пайтларда жамият тараққиётига тўсқинлик қилувчи, дин ниқоби остидаги экстремистлар, ваҳҳобийлик кўринишидаги ақидапарастлар пайдо бўлиб, умуммақсадимиз ва келажагимизга хавф солмоқда. Ана шу таҳдиднинг олдини олишда, муқаддас динимизга ёт бўлган бундай оқимлар пайини қир-қишда янги таҳрирда қабул қилинган қонун -- муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Диний-ижтимоий ҳаётимизда муҳим қўлланма бўлган янги таҳрирдаги "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонунни ўқиб-ўрганиб, турмушга тадбиқ этиш, кенг халқ оммасига тарғибу ташвиқ қилиш дин аҳли, уламолар, имом-хатибларнинг ҳам долзарб вазифалари бўлмоғи лозим.

ҲАВАС ҚИЛАМИЗ... ЎЗБЕКИСТОНГА

Мен Зул-ҳижжа ойининг еттинчи куни Маккага бордим. Бу ер ажиб бир водийни эслатади. Ҳамма ёқда минглаб ранг-баранг чодирлар тикилган. Аллоҳнинг марҳамати ила шу куни кечқурун чодирларни кўчиргудек шамол бўлди. Оҳиста тебранаётган чодирлар гўё эртага бу ерга келадиган ҳожиларни кутиб олишга тараддуд кўраётгандек эди.

Тонгга қадар икки араб ҳамроҳим билан (бу ердаги чодирлар учун мутасаддий эдилар) гурунглашдик. Улар асли мисрлик бўлиб, ҳар йили ҳаж мавсумида ёлланган ишчи сифатида хизматга келишар ва шу аснода ҳаж амалини ҳам бажаришар экан. Булардан бири Муҳаммадали исмли йигит бўлиб, ёши ўттизларга борган, айтишича ўтган йили Миср Олий дорилфунунининг зироат қуллиётини тугатган, иш қидириб Маккага келибди.

-- Биз томонларда ишга жойлашиш жуда қийин, ўқишни битирган аксар ёшларимиз иш қидириб, ўзга мамлакатларга кетиб қолади, -- дейди Муҳаммадали. -- Отам эрта вафот этиб кетган. Онам ва икки укамни боқиш менинг зиммамда. Топган маблағимни онамга юбораман. Ҳаж мавсумидан сўнг, шу ерда қолиб ишлайман, насиб этса бир-икки йилдан сўнг уйланаман.

Иккинчи суҳбатдошим эса ёши олтмишдан ошган, соч-соқоли қордай оппоқ, ҳаётда кўп қийинчиликлар кўрган, шинаванда киши эди. Унинг айтишига қараганда, оиласи ва уч боласи Қоҳира шаҳрига яқин жойда истиқомат қиларкан.

-- Бир қиз чиқардим, икки набирам бор, -- дейди у. Алисабрий мамнунлик билан. -- Аллоҳга шукр, ҳали куч-қувватим яхши, ҳаждан сўнг Ватанимга, оилам олдига бориб келаман, набираларимни соғиндим. Мана бир неча йилдирки ҳаётим ўзга юртларда ўтиб келаяпти. Ёшим ҳам ўтиб қолди, доим мени бир нарса қийнайди. Мисрнинг келажак ёшлари ва шулар қаторида фарзандларим, набира, абираларим ҳаёти қандай кечаркан. Мен доим Аллоҳ таолодан ҳар бир инсонни ўз Ватани ва оиласи олдида, тинч-осуда ва фаравон ҳаёт кечиришларини сўрайман.

У шундай дея, гўё ёш боладек ҳўнграб йиғлаб юборди. Кир дастрўмолчаси билан кўзларида қалқиган ёшни артаркан:

-- Сизларда иш масаласи, турмуш шароитларингиз қандай? -- деб мендан сўради.

-- Бизда ёшлар тенг ҳуқуқли бўлиб, илм олиш ҳамма учун баробардир. Ўқишни битирганлар иш билан таъминланади.

Айниқса, мустақиллик туфайли эришган муваффақиятларимиз ҳақида гапириб берганимда, улар тўлқинланиб кетдилар.

-- Биз сизларга хасад эмас, ҳавас қиламиз. Мана бу Минога қадалган Мустақиллик байроқларингизни янада ҳам баландроқ кўтаринглар, -- деб эзгу тилак билдиришди.

Суҳбат шунчалик қизиб кетдики, ҳатто тонг ёришиб қолганини сезмай қолибмиз. Шу пайт олисдан масжид муазининнинг бомдод намозига чорлаган овози эшитилди...

А. ЮНУСОВ

Дам олишда... «Туркистон»

БЕЛИДА

Ривоят қилишларича, оилада ўғил бола туғилса ҳатто тоғу тошлар, чўлу саҳроларгача бизга сув чиқадиган, одам қадами етиб обод бўладиган бўлдик, деб қувонар, Яратганга ҳамду санолар айтаркан.

Демакки, ўғил бола элу юртининг таянчи бўлиб дунёга келаркан. Афсуски, бу ишончга кейинги пайтларда бироз путур етгандай. Эҳтимол, бунга бир нарсага куйиб-пишаверадиган, қўлидан келган-келмаган нарсага уринаверадиган биз аёллар сабабчидирмиз. Балки иззат-нафси, йигитлик ғурури оёқ ости бўлаётганига беэътибор қараган эркакларимизнинг ўзлари ҳам бунга айбдордир.

Бир қўшнимиз бўларди. Шу кишининг аёли узукун эшиги тагида ўтирволиб писта, носвой, қурт сотарди. Бунга ҳеч ким парво қилмасди ҳам. Бироқ, бир куни бизникига меҳмон бўлиб келган бувим онамдан тўсатдан сўраб қолдилар: -- Қўшнинг бечорани бошида эркаги йўқ шекилли-а?

-- Вой, нега унақа дейсиз опа, бор. Шерали ака мактабда завхоз.

-- Эсиз Шерали деган ном-а, ундай эркакнинг боридан йўғи. Кейин бошларини чайқай-чайқай байт ўқигандилар:

Лайлининг томига чиқсам
Ғозлари ғавғо қилур,
Эрлари уйда туриб
Хотинлари савдо қилур.

-- Қайси белида белбоғи бор эркак хотинини кўчага чиқариб қўяди? Мен бувимнинг тагдор гапларига тушунмай, буви, ростдан ҳам Шерали тоғам белбоғ тақмайдилар, қайиш тақадилар, дегандим.

-- О содда болам-а, белбоғни ҳар ким ҳам тақавермайди. Чинакам эркак, лафзи ҳалол йигитлар тақади, ундайларга белбоғ ҳам ярашади, дегандилар.

Афсуски, ҳозир қайси бозорга борманг "пўшт, арава" деб қуйиб-пишиб мол тўла араваларни тортиб юрган йигитлар қанча. Уларнинг кўпчилиги қишлоқлардан келган. Алам қиладиган жойи, бу "ишбилармон"га қишлоқда қолган баъзи ўртоқларининг "фалончи бир ойда фалон минг ишлаб келибди" деб ҳавасланиши. Наҳотки вужудида ғайрат ёғилиб турган бу йигитлар ўз кучларини ўзи каби бошқа бировга ҳаммолликка сарфласа. Ҳар гапида "Хўжайин билан эртага бу ерга бораман, хўжайин бунча берадиган бўлди" деб мақтанишдан ор қилишмайди ҳам. Тирикчиликнинг айби йўқ дейишингиз ҳам мумкин. Борди-ю йигитлар бировнинг деворини тиклаб, иморатини кўтариб, эшик-дарвозасини ясаб берса бунинг айби йўқ. Аксинча, бу билан фахрланса арзийди. Чунки у ҳунарманд, ҳунари уни боқяпти. Ҳунар эгаси эса ҳамиша ҳам ардоқда. Зеро, қўлидан иш келадиган одам ўз қадрини яхши билади.

Ёзувчи Сафар Барноевнинг "Бормисиз йигитлар" мақоласини ўқиб. («Туркистон» 1998 йил 17 июнь)

БЕЛБОҒИ

Ёшлигимизда чироқ ўчиб қолса, сув тошиб кетса албатта, дадаларимиз дарҳол кўчага чиқишар, югуриб-елиб камчиликларни ўзлари бартараф қилишарди.

Ҳозир эса, тавба қилдиму, чироқ ўчиш у ёқда турсин, бирор жойга ўт кетса ҳам эркаклар ўрнидан қўзғалмайди, "нима гап" дегандай хотинига қараб қўяди, холос.

Янги маҳаллага кўчиб чиққан келинлар бир ой кутишибди, олти ой кутишибди, бирор эркакдан кўчамизга тош ётқизайлик, водопровод, газ ўтказайлик, деган садо чиқмасмиш. Ниҳоят, тоқати тоқ бўлган аёллар йиғилишиб жамоа хўжалиги раисининг олдига чиқишибди. Кўпни кўрган раҳбар уларга яхши гапириб чиқариб юборибди-ю, кейин эркакларни чақиртирибди:

-- Хайф сизларга, шопдай-шопдай мўйлов, хотинингизни арз билан кўчага чиқаришга уялмадингизми, қайси бет билан шундай қилдинглар,- деса, эркаклар: "Ҳа энди, хотин-қизларнинг гапига ҳамма қулоқ солади. Иш тезлашар дегандик-да"- дер эмиш.

Ана шунақа. Хотин "ака"ларнинг қошқовоғига қараб қолган оилада ўсган ўғил боладан нима кутасиз? Олманинг тагига олма тушмайдими? Бозордан бир нарса харид қилмоқчи бўлиб тортишсангиз, "Қизиқмисиз опа, ўзи ўша сиз айтган 5 сўм учун ўтирибманку шу ерда,"- дейди баъзи шаҳарлик "деҳқонлар". Ие, эркак бўлсанг, тўрт мучанг соғ бўлса, Алпомишдай қаддиқоматинг бўлса, ким сени мажбур қиляпти 5 сўмнинг устида ўтиришга. Бор, тузукроқ ишнинг бошидан тут, ҳунар ўрган, деб кўринг-чи...

БЎЛСИН

Ёдингизда бўлса, Алпомиш зиндонда ётганда дўсти Қоражон уни қутқармоқчи бўлади. Эртага кун келиб, "сени зиндондан мен чиқариб эдим", деган таънани эшитишни истамаган Алпомиш бировнинг ёрдамида озод бўлгандан, етти йил бандиликда ётишни афзал билади. Наҳотки, алпомишзодалар бўлган бугунги йигитлар томирида ана шу ғурур қолмаган бўлса. Ишонгим келмайди. Ахир халқда "Оққан дарё оқаверади" деган гап бор-ку.

Шу хаёллар билан эзилиб ўтирсам Сардор ўғлим югуриб келиб сўраб қолди:

--, Ойижон, ким зўр, Брюс Лими ёки Алпомишми?

-- Билмасам, болам,- дедим. -- Брюс Ли каратэчи бўлган, Алпомиш полвон бўлса, бир нарса дейиш қийин.

-- Мен биламан. Алпомиш кучли. Ахир у ўзбек-ку. Ойи, Алпомиш бизнинг қариндошимиз-а?!

Ўғлимнинг овозидаги ғурурдан севиниб кетдим.

Муҳаббат ҲАМИДОВА

КУН НАФАСИ

ЭНГ ҚУВНОҚЛАР ВА ЗУККОЛАР

"Камолот" ёшлар жамғармаси ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан республикамиз олий ўқув юртлари жамоалари ўртасида ўтказилаётган "Қувноқлар ва зукколар" кўриги ярим финалга келди. Дастлаб вилоятлар олий ўқув юртларияро, кейинчалик минтақавий босқичда ўтказилган беллашувлар натижасига кўра ғолиб бўлган 6 жамоа 27 ва 28 июнь кунлари навбатдаги босқичда учрашдилар.

Тошкент Давлат университетининг маданият саройида ТошДУнинг "Шоввозлар"и, Қорақалпоғистон Давлат университетининг "Жайҳун" ва Термиз Давлат университетининг "Табассум" жамоалари учрашди.

Қизғин беллашувлар натижасида мезбонлар -- пойтахтнинг "Шоввозлар"ига омад кулиб боқди. Аммо жанублик "Табассум" ҳам бўш келмади. Ҳар икки жамоа тенг натижа билан ярим финалга йўлланма олишди.

Эртасига -- 28 июнь куни яна ўша саройда Урганч Давлат университетининг "Бўйдоқлар", Ангрен Давлат педагогика институтининг "Ижодкор" ва Андижон Тиббиёт институтининг "Асфиё" жамоалари куч синашишди. Йиғилганларга (айниқса, қизларга!) урганчлик "Бўйдоқлар" жуда "ёқиб қолишди". Улар мутлақ ғолиб бўлиб биринчи, Ангреннинг "Ижодкор"и эса иккинчи сифатида ярим финалга йўлланмали бўлишди.

Ш. САЙДАЛИЕВ,
«Туркистон» мухбири

ДИПЛОМ ИШИ МУЗЕЙДА ЁҚЛАНДИ

Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфидаги Республика рассомлик коллежи битирувчиларидан бир гуруҳи диплом ишларини Республика Давлат санъат музейида ёқлади.

Давлат имтиҳони Низомига кўра амалий машғулотларни музейда ўтказаётган ўн нафар талабанинг ҳар бирига биттадан ноёб санъат асарини таъмирлаш ва нусха кўчириш шарти қўйилган эди. Улар беш ой давомида ўқув юртида олган назарий билимларини амалиётга боғлаб, музей захираларида сақланаётган ва таъмирга муҳтож санъат асарларини ўргандилар. Талабалар тўртинчи аср ва Ўрта асрга оид археологик топилмалар ва муаллифи ноўмалум асарлар намуналарини таъмирлашга, шунингдек, мамлакатимизнинг таниқли мўйқалам усталари яратган баъзи асарлардан нусха олишга эришдилар.

Ёш мутахассисларнинг диплом ишлари ёқланадиган куни улар амалга оширган ишлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Санъатшунослик фанлари доктори, академик А.Ҳакимов раислигидаги давлат имтиҳон комиссияси аъзолари битирувчи ёшларнинг ишини «аъло»га баҳолади.

М. ОДИЛОВА.

ЯНГИ ОВОЗЛАР

М.Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрида замонавий эстрада ижрочиларининг вилоят кўрик-танлови бўлди. Ғоят мароқли ўтган бу тадбирда биринчи ўрин Ғузор туманидаги «Қувонч» ва «Сайқал» гуруҳларига насиб этди. Вилоят маданият бошқармасининг «Садаф» гуруҳи ва шаҳрисабзлик Искандар Қурбонов иккинчи ўрин, Қарши санъат билим юрти талабаси Кристина Осмонова, Қарши туманидан Юсуф Азизов ва Шаҳрисабзнинг «Само» гуруҳи учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

* * *

Ўзбекистон телерадиокомпанияси Сурхондарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда ўтказган «Эстрада қўшиқлари» кўрик-танлови якунланди. Унда эстрада жанридаги Ватанни, бунёдкор халқимизни улуғловчи қўшиқлар янгради. Деновлик ёш санъаткор Гулимоҳ Мелибоева танлов ғолиби деб топилди.

ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

«ФОЛКСВАГЕН» нинг Мексика филиали «Қўнғиз» русумли автомобилнинг янги моделини ишлаб чиқаришга киришди. «Нью битл» /янги қўнғиз/ деб номланган мазкур машина Мексиканинг Пуэбла шаҳрида яратилмоқда.

Немислар бу лойиҳа учун 1 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратган эди. «Янги қўнғиз»нинг барча қисмлари Мексиканинг ўзида чиқарилмоқда. Янги автомобил дизайн жиҳатидан эскисидан фарқ қилади. Унинг узунлиги 4,09 метр, баландлиги эса 1,51 метрга тенг. Нархи 15,2 минг АҚШ доллари миқдорида. Бутун дунёда «қўнғиз» деб танилган бу мўъжаз автомобил илк бор 1938 йили Германия кўчаларида пайдо бўлган эди. Ўтган олтмиш йил мобайнида ҳаммаси бўлиб 21,3 миллион дона «қўнғиз» сотилган.

x x x

АҚШнинг Нью-Йорк штатида шаҳар атроф муҳитини яхшилаш учун қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, яқинда, штат губернатори Жорж Патаки «Форд мотор» компанияси билан ҳамкорликда шаҳарда қатновчи автомобилларни табиий газга мослаштириш ташаббуси билан чиқди.

2000 йилдан бошлаб шаҳарнинг 600 та такси хизматида бўлган енгил автомобиллари табиий газга мослаштирилади. Маълумки, газ нефт ёқилғисидан кўра ҳавони камроқ зарарлантиради.

x x x

Маълумки, «Даймлер-Бенц» нафақат **ГЕРМАНИЯ**, балки дунёдаги энг бақувват автомобил ишлаб чиқарувчи концернлардан бири саналади. Мазкур корхона ўз иқтисодий имкониятларини янада кенгайтирмоқчи. Фирма вакили Юрген Шремпнинг маълум қилишича, концерн 2008 йилга келиб савдо айланмасидаги маблағни икки карра кўпайтиради. Яъни, концернинг умумий савдо айланмаси 140 миллиард АҚШ долларига етади.

ЎзА хабарлари

«Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига

АЛПОМИШ

Таниқли фольклоршунос, шоир Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ ва Шомирза ТУРДИМОВ Алпомишнинг 1000 йиллигига муносиб тўёна ҳозирлашди. Улар ҳамкорликда "Алпомиш" кўп қисмли, тўлиқ метражли бадиий фильм сценарийсини ёзиб тугатдилар. Биз газета саҳифаларида ушбу асардан ёшларга, айниқса, эътиборли ва ибратли парчалар бериб бориш ниятидамиз.

* * *

Эл оралаб жарчилар кетади.

ЖАРЧИ:

Омон омонда,
Шундай замонда.
Қирқ кун тўй, во-ҳо,
Қирқ кун тўй, во-ҳо.
Бойбўри шоҳнинг
Ўғлининг оти
Ҳакимбек бўлди.
Қизининг оти
Қалдирғоч бўлди.
Бойсари бийнинг
Қизининг оти
Ойбарчин бўлди,
Ҳакимбек билан
Ойбарчин қизнинг
Кўкда қийилган
Экан никоҳи.
Омон омонда
Шундай замонда...

* * *

Тахтхона.

Бойбўрихон тахтда, ёнида Бойсарибий курсида ўтирибди.

Қултой киради. Таъзим бажо қилади.

ҚУЛТОЙ:

-- Хоним, билгалар ҳузурингизга кириш учун рухсат сўрашаяпти.

БОЙБЎРИХОН:

-- Кирсинлар.

Қултой ташқарига чиқади.

БОЙБЎРИХОН (Бойсарибийга мурожаат қилиб):

-- Бойсун -- Қўнғиротнинг фахри -- Қамбар Билгани, Кашалнинг довруғи -- Тенгиз Билгани, Йигирма бир ота Тотдан Қайнар Билгани чорлаганимизга кўнглим тўлди. Бу уч билга жигарбандларимиз камолига сабаб бўлгайлар.

БОЙСАРИ:

-- Оламнинг ҳикмати йиғилса, йиғилиб, она сутидай бўлиб қонимизга сингса... Қамбар Билга шу ерда униб-ўсган, камолга етган, кейин қанча вақтлар мусофир бўлиб, Хитойу Тибетдан илм уқиб қайтган. Қайнар Билга Руму Ассур тарбиятини толган, тенгиз Билга Ҳинд ҳикматини кўнгил мулки қилиб олган. Бу уч билга Газналари болаларимизга ўтса, Бойсун -- Қўнғиротнинг қонига сингишса, яхши ҳосиллар берса...

Ё, тангрим, шуларни буюрган бўлгин.

Қултой Қамбар Билга, Тенгиз Билга, Қайнар Билгани бошлаб киради.

Билгалар Бойбўрихонга ҳурмат билдирадилар.

БОЙБЎРИХОН (Билгаларнинг ҳар бирига алоҳида мурожаат қилиб): сабоқларингиздан ниҳоятда севинчдамиз. Гўёки, уч қуёш кўнглимизни ёритиб тургандай...

ҚАМБАР БИЛГА:

-- Улуғ хон, арзимиз бор. Арз шулки, Тангри қуйиб қўйганини қули сайқалдай олмас экан...

БОЙБЎРИХОН:

-- Тўғри. (Бойсарибийга қараб) Ана ҳикмат...

ТЕНГИЗ БИЛГА:

-- Тангри қуйиб қўйганини англаб туриб, сайқаллашга уринишдан ортиқ гуноҳ бўлмас...

БОЙБЎРИХОН:

-- Сизлар -- билгасиз; биз (Бойсарибийга кўз ташлаб) бу ҳикматлар шарҳини ўзларингиздан сўрайлик.

ҚАЙНАР БИЛГА:

-- Шарҳ шундайки, -- Қамбар Билга, Тенгиз Билга, Қайнар Билга, эсон-омонмисиз? Биз (укаси Бойсарибийга назар ташлаб) Бойсарибий билан сизларнинг бераётган Ҳакимбекка, Ойбарчинга, Қалдирғочга тангри ўзи берган экан. Бор илм уларнинг руҳида жо... Бизларнинг ҳикмат деб юрганларимиз улар мағзига пўст ҳам бўлмаяпти. Берган тузингизга рози бўлинг.

Энди бизларга рухсат берсангиз.

Бойбўрихон савол назари билан Қултойга қарайди.

ҚУЛТОЙ (қўлини кўксига қўйиб):

-- Шундай, хоним Тангри берганини эъзозласак, билгаларни ҳам қадрлаган бўламиз.

Бойбўрихон Бойсарибийга тўниб қарайди.

БОЙСАРИБИЙ:

-- Хон рози -- Тангри рози.

БОЙБЎРИ (Қултойга):

-- Бойсун -- Қўнғиротнинг ўн олти уруғ оқсоқолу обрў-эътиборли бийларини эртага саройга чорла. Йиғин қилиб, билгаларни рози қилиб, иззат билан узатамиз.

Билгалар таъзим билан чиқишади. Бир оздан сўнг Қултой қайтиб киради. Кирган вақти Бойбўрихон билан Бойсарибий нималарнидир маслаҳатлашиб ўтиришади.

БОЙБЎРИХОН (Қултойга):

-- Ўғлимнинг саводи туғма экан. Энди хонлик, сипоҳилик илмини ўргатайин.

... Бойсарибий билан гапимиз бир жойдан чиқди. Барчин қизимиз билан Қалдирғоч қизимизга ватан тутмоқ илмини ўргатайлик.

Қултой қўлини кўксига қўйиб, Бойбўрининг сўзларига эҳтиром билан қулоқ солади.

(Давоми бор)

НИГЕРИЯ ЯНА НИМЧОРАКДА ТЎХТАДИ

(Аввал енгилганда ҳам обрў топганди, бу гал...)

Салкам бир ойдан бери футбол ҳукмронлик қилаётган Францияда бугун кимдир мотам тутмоқда, кимдир тўю томоша билан овора. Кечагина "Гуруҳдан ким чиқаркин?"га ўхшаш энг долзарб ҳисобланган саволлар бугун русумдан қолди. Ҳозир ҳамма "Чорак финалда ким ўйнайди?" дея бош қотириш билан банд. Дастлабки кунларда негадир зерикарли туюлган жамоалар эса бугун айни кучга тўлишган. Чиндан-да, бўшанглар аллақачон ўринларини кучлиларга бўшатиб беришди. Асосий ўйинлар ярим финалдан бошланса керак, деб фикр билдирган мутахассислар эса кечаги 1/8 финал ўйинларидан сўнг ёлғончига айланиб қолишди.

Италия терма жамоасининг низўрга чиқиб гияга қарши ҳужуми бибосқич бошлаб бевегияликлар болчилари тор-мор этиб ташланди. Қаранг, гуруҳ ўйинида Бразилияни мағлуб этган жамоа, нега гуруҳ ўйинидан-да муҳимроқ учрашувда Бразилиядан-да заифроқ жамоани енга олмади?

Иккинчи учрашувда кимнинг енгиши аниқ эмас. Бразилия -- Чили учрашуви 4:1 ҳисобида якунланди. Аммо Рональдо яна очилмади.

Франция -- Парагвай жанги кўпчиликни юрак ўйноғи қилди. Ўйин давомида французлар "вой юрагим"лаб ўтиришган бўлса, ўйин якунландию, "вой юрагим" сўзини парагвайликлар айта бошлашди. Аоран Блан томонидан учинчи дақиқада киритилган "олтин гол" мезбонларни кейинги босқичга олиб чиқди.

Энг катта шов-шув Дания ва Нигерия терма жамоалари ўртасидаги учрашувда рўй берди. Данияликларнинг ўзи ҳам терма жамоаларининг енгишига шубҳа билан қараётганди. Энг катта ниятлари ўйинни дуранг билан якунлаб, бор имкониятни таваккал пенальтилар ташлаш эди. Дания учрашув бошланишиданоқ Нигерияни эсанкиратиб қўйиб, ўйин жиловини ўз қўлига олди. Эрта-индин футболдан хайрлашишни режалаштираётган Михаэль Палдрун эса энди-энди порлаб бораётган юлдузларга хос ўйин намойиш этди. 4:1 ҳисобида енгган Дания ҳудди шундай ҳисобда ғалабага эришган бошқа бир жамоа (Бразилия)га тўқнаш келадиган бўлди.

Ўйинларнинг бу қадар гўзал тус олгани бизни анча қувонтирди. Биз кечаги ўйинда Аргентинанинг Англияга ютқазмаслигини жуда-жуда хоҳлардик. Шунда худди АҚШ-94 такрорланган вазият содир бўларди. Эсингизда бўлса, АҚШда чорак финалдаёқ Бразилия терма жамоаси етти оврўпаликка қарши якка қолган эди. Ва уддасидан чиқиб, чемпион бўлганди. Кўрамиз, бунга оврўпаликлар яна йўл қўйишармикин?

Қаранг, Осиё гуруҳда тўхтади, Африка нимчорак ўйинларида. Қани, Американи ярим финалда тўхтатиш оврўпаликларнинг қўлидан келармикан?

А. БЕРДИҚУЛОВ

Ю-о-о-лл !

БАЛЧИҚ ДАВОЛАЙДИ

Дорихона

Тошкентдаги саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий текшириш институтида шифобахш чўкма балчиқ билан даволаш бўлими мавжуд. Унинг вазифаси табиат, табобат ва илмни уйғунлаштирган ҳолда беморларни даволашдан иборат.

Балчиқ кимёвий дорилардан кўра минг чандон афзал. Унинг ёрдамида бўғин ҳаракати ва умуртқа поғонаси хасталиклари, буйрак, сурункали ошқозон-ичак, асаб, бод ва бошқа кўплаб касалликларни даволаш мумкин. Бу билан балчиқ барча хасталикларга даво эканда, деган хулосалар чиқармаслик керак. Ва ундан кўр-кўрона фойдаланиш ҳам ярамайди. Бўғма, сил, юрак, бўқоқ каби касалликларга чалинган беморларга балчиқ муолажаси тавсия этилмайди. Балчиқдан фойдаланишнинг ўзига хос илмий, тиббий қоидалари мавжудки, фақат уларга амал қилинган ҳолатдагина у беморнинг дардига малҳам бўлиши мумкин.

Аслида, шифобахш балчиқ билан даволаш усули институтда 1933 йилдан буён қўлланиб келинади. 1967 йилда балчиқ сақлаш учун махсус ҳовузлар қурилиб, Жиззах вилоятининг Балиқли қўлида кўп миқдорда балчиқ келтириб фойдаланиш имконияти яратилди.

1969 йилда эса балчиқни механик усулда кўтариб бериш ишлари бажарилди.

Шундан буён бу ерга даволаниш учун келаётган беморларга турли-озокерит, ультратовушли, сувости, қисқаси, хасталик турларига қараб ўнлаб муолажалар олиб борилмоқда.

Зулайҳо МЕЛИЕВА,
Тошкентдаги саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий-текшириш институти бўлими мудири



ЁШ ДАН НОЗИРЛАРИ

Республика Халқ таълими вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг Давлат автомобил назорати бошқармаси ва Андижон вилоят телерадиокомпанияси ташаббуси билан Андижон вилоятининг Жалолқудуқ туманидаги «Ёрқишлоқ» соғломлаштириш масканида ёш ДАН нозирларининг республика мусобақаси бўлди. Унда барча вилоятлар ва Қорақалпоғистондан келган командалар иштирок этди.

Андижон вилояти командаси мусобақа ғолиби бўлди. Фарғона ва пойтахт вилоятлари вакиллари иккинчи ўринни бўлишиб олди. Учинчи ўринни эса, Тошкент шаҳри, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларидан келган ёш нозирлар эгаллади.

Ғолиблар ва совриндорларга мусобақа ташкилотчилари ва ҳомийларининг эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлари топширилди.

К.НИЗОМОВ,
ЎзА мухбири.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Бадиий Академияси Сурхондарё вилоят ҳокимлиги билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 19 январь 17-Қарорига биноан «Алпомиш» достони яратилганининг 1000 йиллигига бағишлаб, монументал паннолар учун очиқ танлов эълон қилади. Танлов шартлари: тақдим этиладиган монументал панно лойиҳалари «Алпомиш» достони мавзуига бағишланиши, уларда мардлик ва она Ватанга, халққа садоқат тимсоллари акс эттирилиши лозим. Асарлар тасвирий санъатнинг юксак талабларига жавоб бериши зарур. Монументал панно муаллифлари бир ёки бир неча ижодкордан иборат бўлиши мумкин.

Танлов муддати: 1998 йилнинг 20 августигача.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги совринлар белгиланган:

Битта биринчи мукофот	**150000 сўм**
Иккита иккинчи мукофот	**80000 сўмдан**
Учта учинчи мукофот	**50000 сўмдан**

Танловга тақдим этилган панно лойиҳалари Тошкент шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 40. Ўзбекистон Бадиий Академиясига йўлланади.

Маълумот учун телефон: /8-3712/ 56-50-47.
Факс: 56-50-46.

/ЎзА/

Акмал Икромов туманидаги 287-ўрта мактаб томонидан Тожихўжаев Бахтиёр Акмалович номига берилган А No-511200 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқотилганлиги сабабли бекор қилинади.

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир: Ҳусан СУВОНОВ

ТАҲРИРИЯТ:
Қабулхона — 136-56-58, 133-95-97; хатлар бўлими — 136-54-64; тижорат бўлими — 133-79-69; ижодкор ёшлар бўлими — 136-54-64; спорт, ҳарбий ватанпарварлик бўлими — 136-58-93, котибият — 136-58-48.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси
Буюртма Г. —0164
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41
Ҳажми — 2 табоқ
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти —21.00
Босишга топширилди —00.20
1 2 3 4 5 6